

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРАЗОВ НУЪМОНЖОН САЪДУЛЛАЕВИЧ

**ЎСМА ГЕНЕЗЛИ МЕХАНИК САРИҚЛИКДА ЎТ ЙЎЛЛАРИНИ
ДРЕНАЖЛАШ УЧУН КАМ ИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Уразов Нуъмонжон Саъдуллаевич

Ўсма генезли механик сарикликда ўт йўллари
дренажлаш учун кам инвазив технологиялардан
фойдаланишга дифференциал ёндашув 3

Уразов Нумонжон Садуллаевич

Дифференцированный подход к применению
миниинвазивных технологий дренирования желчных
протоков при механической желтухе опухолевого генеза 23

Urazov Numonjon Sadullaevich

A differentiated approach to the use of minimally invasive technologies for
bile duct drainage in mechanical jaundice of tumor genesis..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of pulished works 48

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРАЗОВ НУЪМОНЖОН САЪДУЛЛАЕВИЧ

**ЎСМА ГЕНЕЗЛИ МЕХАНИК САРИҚЛИКДА ЎТ ЙЎЛЛАРИНИ
ДРЕНАЖЛАШ УЧУН КАМ ИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
Фойдаланишга дифференциал ёндашув**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2026

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.2.PhD/Tib6101 рақам рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziynet» (www.ziynet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хўжабаев Сафарбой Тухтабаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Даминов Феруз Асадуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Назаров Шохин Куватович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Тожикистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги
Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSс.06/2025.27.12.Tib.17.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2026 йил «24» 07 соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. 2838 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2026 йил «30» 06 да тарқатилди.
(2026 йил «30» 06 даги 13 рақамли реестр баённомаси)



Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

З.Б. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ўсмага боғлиқ механик сариклик муаммоси хирургия, гастроэнтерология ва интервенцион онкология соҳасидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўт йўллариининг обструкцияси ўсма жараёнининг намоён бўлиши сифатида (хусусан, ошқозон ости беши саратони, холангиокарсинома, ампула ўсмалари ва бошқаларда) жуда тез-тез учрайди - бу эса ҳаёт сифатининг сезиларли даражада пасайишига, жигар ва ўт йўллари дисфункциясининг тез ривожланишига ҳамда прогнознинг ёмонлашишига олиб келади. Ўт йўллари обтурацияси мавжуд бўлганда ўз вақтида декомпрессия талаб этилади - ўт оқимининг механик тўсилишини бартараф этиш асоратлар (холангит, жигар етишмовчилиги, сепсис) хавфини камайтиради, кейинги жарроҳлик даволаш ва паллиатив ёрдам кўрсатиш имкониятларини яхшилайдди. Бироқ, эндоскопик, тери орқали ва комбинацияланган дренажлаш усуллариининг ривожланишига қарамай, усулни танлашнинг оптимал алгоритмлари, аралашув муддатлари, комбинацияланган ёндашувлар ва беморларни танлаш мезонлари ҳали ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда. Бу эса дифференциал тактикаларни ишлаб чиқиш зарурлигини асослайди.

Замонавий жарроҳлик амалиётида ўт йўллариини дренажлашнинг миниинвазив технологиялари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. «...Эндоскопик усуллар (масалан, ЭРХПГ/ERCP, эхоскопик йўналтирилган билиар дренаж муолажаси = EUS-BD) ва жигар орқали интервенциялар (PTBD) жароҳатланишни камайтириш...»¹, касалхонада ётиш муддатини қисқартириш, операциядан кейинги асоратлар хавфини пасайтириш ва операция қилиб бўлмайдиган ёки қисман резекция қилинадиган ўсмалари бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотлар универсал "энг яхши" усул йўқлигини таъкидлайди – танлов асосан анатомия, касаллик босқичи, беморнинг прогнози ва обструкциянинг жойлашувига асосланиши лозим. Бинобарин, жаҳон амалиётида нафақат минимал инвазив технологияларни қўллаш, балки маълум бир бемор ва клиник вазиятга оптимал мослаштирилган дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда - бу ушбу тадқиқотнинг мавзусидир.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдами сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга

¹ Назыров Ф.Г., Акбаров М.М., Омонов О.А. Результаты хирургического лечения больных с проксимальными опухолями внепеченочных желчных протоков //Актуальные проблемы гепатопанкреатобилиарной хирургии. – 2017. – С. 32-42.

қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»². каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсма генезли механик сарикликни ташхислаш ва даволаш масаласи сўнгги ўн йилликлар давомида бутун дунё бўйлаб жарроҳлар, гастроэнтерологлар ва радиологларнинг эътиборини тортмоқда. Ушбу патологиянинг этиопатогенези, клиник кечиши ва жарроҳлик даволашни ўрганишга маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар катта ҳисса қўшганлар. Тўпланган клиник тажрибага қарамай, ўсма сабабли келиб чиққан механик сарикликда ўлим кўрсаткичлари юқорилигича қолмоқда - 10 дан 35% гача, бу кеч ташхис қўйиш, ўсма жараёнининг тарқалиши ва операциядан кейинги асоратларнинг юқори частотаси билан боғлиқ (Назирова Ф.Г., Вишневский А.В., Гальперин Э.И., Коробка В.Ф., Covey A.M., Lee J.M. ва бошқалар. 2020).

Замонавий тадқиқотлар минимал травматизм билан ўт йўллари дренажлаш, беморларнинг касалхонада қолиш муддатини қисқартириш ва асоратлар частотасини камайтириш имконини берувчи миниинвазив технологияларни такомиллаштиришга қаратилган. Эндоскопик ва тери орқали усулларни (ERCP, PTBD, стентлаш) қўллаш клиник амалиётга кенг жорий этилган, аммо обструкциянинг даражаси ва хусусияти, ўсма жараёнининг босқичи ва беморнинг умумий ҳолатига қараб оптимал усулни танлашнинг ягона тизими ҳали ҳам мавжуд эмас. Бу беморнинг индивидуал кўрсаткичлари ва ўсма шикастланишининг хусусиятларига асосланган дифференциал ёндашувни ишлаб чиқишнинг долзарблигини белгилайди. Бир қатор муаллифлар билиар декомпрессия усулини танлашдан олдин кўп омилли таҳлил, шу жумладан анатомик хусусиятлар, жигарнинг функционал ҳолати, коагулопатиялар ва холангит хавфини баҳолаш зарурлигини таъкидлайдилар. Адабиётларда комбинацияланган аралашувларнинг турли хил вариантлари тасвирланган - эндоскопик ва тери орқали дренажлашни кетма-кет ёки бир вақтнинг ўзида қўллаш, навигация ва рентгеноэндоскопик тизимлардан

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

фойдаланиш, бу даволаш натижаларини яхшилайти, аммо кейинчалик стандартлаштириш ва клиник тасдиқлашни талаб қилади (Бисенков Л.Н., Тополянский А.В., Paik W.H., Kogure H. 2023).

Шундай қилиб, билиар трактнинг минимал инвазив жарроҳлиги соҳасидаги аниқ ютуқларга қарамай, ўсмали механик сарикликда дренажлашнинг оптимал усулини танлаш алгоритмлари билан боғлиқ бир қатор ҳал қилинмаган масалалар мавжуд. Беморларни танлашнинг интегратив мезонлари етарлича ўрганилмаганлиги ва каминвазив технологияларни қўллашнинг табақалаштирилган схемалари йўқлиги ушбу аралашувларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини оширишга қаратилган кейинги тадқиқотлар зарурлигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети наъмунавий дастурнинг «Шикастланишлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (Давлат рўйхати №012400287) бўйича режалаштирилган тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсма генезли механик сарикликда ўт йўллари дренажлашнинг миниинвазив технологияларини қўллашга дифференциал ёндашувни асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсманинг жойлашуви, гепатопанкреатобилиар зонанинг топографик-анатомик хусусиятлари, ўсма блоки даражаси ва касаллик босқичини ҳисобга олган ҳолда операция қилиб бўлмайдиган ўсмаларни даволаш алгоритмида турли хил миниинвазив интервенцион усуллариининг ўрнини аниқлаш;

механик сариклик билан асоратланган гепатопанкреатобилиар зона ўсмалари бўлган операция қилиб бўлмайдиган беморларда миниинвазив интервенцион усуллариини қўллашни ҳисобга олган ҳолда дифференциал-диагностик алгоритмларни ишлаб чиқиш.

ўсма жараёнининг босқичини, механик сариклик билан асоратланган гепатопанкреатобилиар зона ўсмалари бўлган операция қилиб бўлмайдиган беморларнинг кутилаётган умр кўриш давомийлигини башорат қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда миниинвазив интервенцион усуллари самарадорлигини ошириш йўллариини таклиф этиш.

механик сариклик билан асоратланган гепатопанкреатобилиар зона ўсмалари билан операция қилиб бўлмайдиган беморларда пластик стентлар ва кенгаювчи метал стентлар ёрдамида ўт йўллариини антеград ва ретроград эндоскопик дренажлаш, шунингдек билиодигестив анастомозлар қўйиш билан жарроҳлик паллиатив даволашни қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти 2019 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда РИОваРИАТМ Самарқанд филиалининг жарроҳлик ва рентгенендоскопик бўлимларида стационар даволанган ўсма генезли механик сариклик билан касалланган 149 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети клиник-морфологик, анатомик ва функционал мезонлар асосида аралашув усулини танлашга табақалаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан ўсма генезли механик сарикликда ўт йўллари дренажлашнинг миниинвазив технологияларини қўллаш ва комплекс текшириш натижаларини таҳлил қилишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун клиник, биокимёвий, ультратовуш, рентгеноэндоскопик, томографик, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган. Тери орқали, эндоскопик ва комбинацияланган миниинвазив билиар декомпрессия технологиялари қўлланилиб, операциядан кейинги эрта ва узоқ даврда самарадорлик, асоратлар частотаси ва гепатобилиар функция кўрсаткичлари динамикаси қиёсий таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

ўсманинг жойлашуви, ошқозон ости беzi-ўт йўллари соҳасининг топографик-анатомик хусусиятлари, ўсма блоки даражаси, касаллик босқичи ва беморларнинг жисмоний ҳолати, кутилаётган умр давомийлиги прогноз омилларини ҳисобга олган ҳолда операция қилиб бўлмайдиган ўсмаларни даволаш алгоритмида миниинвазив технологияларнинг турли усуллариининг ўрни аниқланган;

механик сариклик билан асоратланган жигар-ошқозон ости беzi-ўн икки бармоқ ичак соҳасининг резекция қилинмайдиган ўсмаларида ўт йўллариини ички дренажлашнинг анъанавий жарроҳлик ва миниинвазив технологияларини қўллаш самарадорлигини ошириш имконини берувчи дифференциал-диагностик ва даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ўт йўллариини дренажлаш ёки билиодигестив анастомозлар қўйиш билан паллиатив жарроҳлик даволаш мақсадида миниинвазив технологияларни танлаш, механик сариклик билан асоратланган жигар-ошқозон ости беzi-ўн икки бармоқ ичак соҳаси аъзолари ўсмалари бўлган операция қилиб бўлмайдиган беморларнинг кутилаётган умр давомийлигига асосланиши аниқланган;

анъанавий жарроҳлик аралашувларига нисбатан дренажлаш самарадорлиги тенг бўлган ҳолда, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичларини камайтирувчи ўт йўллариини дренажлашнинг эҳтиёткор миниинвазив интервенцион усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бажарилган аралашувдан кейинги узоқ муддатли даврда миниинвазив интервенцион турли усуллариини қўллаш жиҳатлари, билиар стентлар окклюзияси ва дуоденал стеноз ривожланиши билан боғлиқ такрорий касалхонага ётқизиш ҳолатлари ўрганилди;

механик сариклик билан асоратланган гепатопанкреатобилиар зона ўсмалари бўлган операция қилиб бўлмайдиган беморларнинг кутилаётган умр кўриш давомийлигини ҳисобга олган ҳолда, ўт йўллариини дренажлашнинг турли усуллариини қўллаш учун дифференциал-диагностик мезонлар ва беморларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилди;

катта клиник материалда механик сариклик билан асоратланган гепатопанкреатобилиар зонанинг операция қилиб бўлмайдиган ўсмаларида билиодигестив анастомозлар қўйиш билан миниинвазив интервенцион ва паллиатив жарроҳлик амалиётларининг бевосита ва узок муддатли натижаларининг қиёсий таҳлили ўтказилди;

миниинвазив аралашувлар учун операциядан кейинги асоратларнинг паст частотаси хос бўлиб, бирламчи дренажлашдан кейин бир неча ой ёки ҳатто йиллар давомида ривожланадиган кечки асоратларнинг устунлиги кузатилади. Билиодигестив анастомозлар қўйиш билан анъанавий паллиатив жарроҳлик амалиётлари учун эса, аксинча, операциядан кейинги эрта асоратлар хосдир.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган маълумотлар ва хулосалар замонавий билиар йўллар жарроҳлиги ва онкожарроҳлик ривожланишига, айниқса ўсма генезли механик сарикликда ўт йўллари дренажлашнинг миниинвазив технологияларини қўллашга дифференциал ёндашувни такомиллаштиришга сезиларли ҳисса қўшади. Ишда биринчи марта клиник-анатомик, морфологик ва функционал кўрсаткичлар асосида билиар декомпрессиянинг оптимал усулини (эндоскопик, тери орқали ёки комбинацияланган) танлаш мезонлари илмий жиҳатдан асосланган бўлиб, бу даволаш тактикасининг патогенетик асосланган алгоритмини яратиш имконини берди. Дренажлаш усулини индивидуаллаштириш бўйича ишлаб чиқилган ёндашувлар обструкция даражаси ва характерини ташхислаш аниқлигини ошириш, ўсмали механик сариклик билан оғриган беморларда жароҳатланишни камайтириш ва жигарнинг функционал ҳолатини яхшилашни таъминлайди. Олинган натижалар гепатопанкреатодуоденал соҳадаги ўсма жараёнлари сабабли юзага келган обструктив сариклик билан оғриган беморларни комплекс даволашда кам инвазив технологиялардан оқилона фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўсма келиб чиқишли механик сарикликда ўт йўллари дренажлашнинг миниинвазив технологияларини танлашга ишлаб чиқилган табақалаштирилган ёндашувнинг клиник амалиётга муваффақиятли жорий этилиши ва қўлланилишида намоён бўлади. Таклиф этилган алгоритмни қўллаш даволаш босқичларини оптималлаштириш, операциядан кейинги асоратлар, септик ҳолатлар ва ўлим хавфини камайтириш, шунингдек, операциядан олдинги тайёргарлик ва беморларнинг шифохонада қолиш муддатларини қисқартириш имконини берди. Кучли жигар етишмовчилиги ва ёндош соматик касалликлари бўлган заиф беморларда ультратовуш ва рентген-эндоскопик

назорат остида қўлланиладиган комбинацияланган эндоскопик ва тери орқали аралашувлар ўзининг юқори самарадорлиги ва хавфсизлигини исботлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсма генезли механик сарикликда ўт йўллари дренажлаш учун кам инвазив технологиялардан фойдаланишга дифференциал ёндашув бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 16.02.2026 й. 03/10-сон хулосаси):

биринчи илмий янгилик: ўсманинг жойлашуви, ошқозон ости беи-ўт йўллари соҳасининг топографик-анатомик хусусиятлари, ўсма блоки даражаси, касаллик босқичи ва беморларнинг жисмоний ҳолати, кутилаётган умр давомийлиги прогноз омилларини ҳисобга олган ҳолда операция қилиб бўлмайдиган ўсмаларни даволаш алгоритмида миниинвазив технологияларнинг турли усуллариининг ўрни аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонаси (15.01.2026 й. 269-7-107-ТВ/2026-сон буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали (12.01.2026 й. 14-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: бажарилган аралашувдан кейинги узоқ муддатли даврда миниинвазив интервенцион турли усуллариини қўллаш жиҳатлари, билиар стентлар окклюзияси ва дуоденал стеноз ривожланиши билан боғлиқ такрорий касалхонага ётқизиш ҳолатлари ўрганилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: миниинвазив интервенцион турли усуллариини қўллаш жиҳатлари, билиар стентлар окклюзияси ва дуоденал стеноз ривожланиши билан жарроҳлик даволашни қўллаш доирасида беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 7-10 кун учун 7625400 сўм. Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 975650 сўм сарфланади. миниинвазив ёндошувлар ёрдамида операция қилинганда стационар даволаниш 5 кунга қисқариб, иқтисодий кўрсаткич 3876450 сўмни ташкил этади (бир нафар бемор учун). Хулоса: ретроград транспапилляр йўл орқали самарали дренажлашга тўсқинлик қиладиган энг мураккаб анатомик шароитлар ўсма торайишининг бевосита конфлюэнсда (самарадорлиги 40%) ва умумий ўт йўлиининг терминал қисмида дуоденал стеноз билан биргаликда (самарадорлиги 22,7%) жойлашиши ҳисобланади. Бундай ҳолатларда комбинацияланган антеград аралашувларни қўллаш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

иккинчи илмий янгилик: механик сариклик билан асоратланган жигар-ошқозон ости беи-ўн икки бармоқ ичак соҳасининг резекция қилинмайдиган ўсмаларида ўт йўллариини ички дренажлашнинг анъанавий жарроҳлик ва миниинвазив технологияларини қўллаш самарадорлигини ошириш имконини берувчи дифференциал-диагностик ва даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонаси (15.01.2026 й. 269-7-107-ТВ/2026-сон буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали

(12.01.2026 й. 14-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: механик сариклик билан асоратланган гепатопанкреатобилиар зона ўсмалари бўлган операция қилиб бўлмайдиган беморларнинг кутилаётган умр кўриш давомийлигини ҳисобга олган ҳолда, ўт йўллари дренажлашнинг турли усуллари қўллаш учун дифференциал-диагностик мезонлар ва беморларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ўт йўллари дренажлашнинг турли усуллари қўллаш учун дифференциал-диагностик мезонлар ва беморларни даволаш алгоритм остида ижобий натижалар 2 баробар кўп ҳолатда кузатилганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 15024100 сўмни ташкил этади. Хулоса: стентларнинг хилма-хиллиги, турли конструкцияларининг мавжудлиги ва уларни биргаликда қўллаш имконияти ҳар бир аниқ клиник вазиятда энг мақбул усулни танлашга дифференциал ёндашувни талаб этади. Операция қилиб бўлмайдиган гепатопанкреатобилиар зона ўсмалари бор беморларда кутилаётган умр давомийлиги 6 ойдан кам бўлганда, пластик стент ёрдамида ўт йўллари антеград ёки ретроград эндоскопик дренажлаш билан миниинвазив интервенцияни афзал кўриш лозим. Операция қилиб бўлмайдиган гепатопанкреатобилиар зона ўсмалари бор беморларда кутилаётган умр давомийлиги 6 ойдан ортиқ бўлганда, кенгаювчи метал стент ёрдамида ўт йўллари антеград ёки ретроград эндоскопик дренажлаш билан миниинвазив интервенцияни ёки билиодигестив анастомозлар ва/ёки гастроэнтероанастомоз қўйиш орқали паллиатив жарроҳлик даволашни афзал кўриш керак.

учинчи илмий янгилик: ўт йўллари дренажлаш ёки билиодигестив анастомозлар қўйиш билан паллиатив жарроҳлик даволаш мақсадида миниинвазив технологияларни танлаш, механик сариклик билан асоратланган жигар-ошқозон ости беzi-ўн икки бармоқ ичак соҳаси аъзолари ўсмалари бўлган операция қилиб бўлмайдиган беморларнинг кутилаётган умр давомийлигига асосланиши аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонаси (15.01.2026 й. 269-7-107-ТВ/2026-сон буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали (12.01.2026 й. 14-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: катта клиник материалда механик сариклик билан асоратланган гепатопанкреатобилиар зонанинг операция қилиб бўлмайдиган ўсмаларида билиодигестив анастомозлар қўйиш билан миниинвазив интервенцион ва паллиатив жарроҳлик амалиётларининг бевосита ва узоқ муддатли натижаларининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: билиодигестив анастомозлар қўйиш билан миниинвазив интервенцион ва паллиатив жарроҳлик амалиётидан кейин операциясидан кейинги даврда асоратлар тубдан қисқаришини инобатга олсак, асосий гуруҳдаги беморларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар 25% қисқартиришликка эришилди. Хулоса: гепатопанкреатобилиар зона ўсмалари

бўлган операция қилиб бўлмайдиган беморларнинг умр кўриш давомийлигининг энг муҳим прогностик омиллари қуйидагилардир: бирламчи ўсманинг ҳажми ва ASA таснифи бўйича жисмоний ҳолат даражаси. Ўсма ҳажми 45 мм дан катта ва ASA бўйича 3-4 даражали жисмоний ҳолати бўлган беморларда умр кўриш давомийлиги одатда 6 ойдан ошмайди. Аксинча, ўсма ҳажми кичикроқ ва жисмоний ҳолати яхши сақланган (ASA бўйича 1-2 даражали) беморларда умр кўриш давомийлиги анча юқори бўлади.

тўртинчи илмий янгилик: анъанавий жарроҳлик аралашувларига нисбатан дренажлаш самарадорлиги тенг бўлган ҳолда, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичларини камайтирувчи ўт йўллари дренажлашнинг эҳтиёткор миниинвазив интервенцион усуллари ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонаси (15.01.2026 й. 269-7-107-ТВ/2026-сон буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали (12.01.2026 й. 14-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: миниинвазив аралашувлар учун операциядан кейинги асоратларнинг паст частотаси хос бўлиб, бирламчи дренажлашдан кейин бир неча ой ёки ҳатто йиллар давомида ривожланадиган кечки асоратларнинг устунлиги кузатилади. Билиодигестив анастомозлар қўйиш билан анъанавий паллиатив жарроҳлик амалиётлари учун эса, аксинча, операциядан кейинги эрта асоратлар хосдир. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: билиодигестив анастомозлар қўйиш билан анъанавий паллиатив жарроҳлик амалиётлари самарадорлиги билан интраоперацион травматизмни ва жарроҳлик аралашувининг давомийлигини камайтиришга ёрдам бериши, реабилитация муддатларининг қисқариши туфайли беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 15855450 сўм сарфланади. Йиллик иқтисодий кўрсаткич эса ўз навбатида 25% гача бюджет маблағларини тежашга олиб келади. Хулоса: билиодигестив анастомозлар қўйиш билан амалга ошириладиган паллиатив жарроҳлик даволаш миниинвазив дренажлашга қараганда кўпроқ жарроҳлик агрессияси билан тавсифланади. Жарроҳлик даволашда операциядан кейинги асоратлар ва ўлим даражаси (29,4% ва 17,6%) антеград (11,1% ва 5,5%) ва ретроград йўл (15,5% ва 11,8%) билан амалга ошириладиган миниинвазив даволашга қараганда сезиларли даражада юқори.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялардан ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланади, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилади, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг **"Ўсма келиб чиқишли механик сарикликда ўт йўллари дренажлашнинг миниинвазив технологияларини қўллашга дифференциал ёндашув"** номли **биринчи бобида** (адабиётлар шарҳи) механик сарикликнинг ўсма шаклларида билиар обструкциянинг сабаблари, ривожланиш механизмлари ва бартараф этиш усуллари ҳақида адабиётларда келтирилган маълумотлар сезиларли даражада қарама-қарши ва тарқоқ эканлиги таъкидланган. Бу ҳолат холестаз патогенезини, гепатобилиар тизимнинг морфофункционал ўзгаришлари динамикасини чуқурроқ ўрганиш, шунингдек, ўт йўлларидаги миниинвазив аралашувлар тактикасини оптималлаштиришни тақозо этади. Бундай таҳлил обструкциянинг даражаси ва хусусияти, жигар етишмовчилиги даражаси, ўсма жараёнининг тарқалиши ва беморнинг умумий ҳолатига қараб, эндоскопик, тери орқали ёки комбинацияланган дренажлашнинг аниқ технологиясини танлашга асосли ёндашиш имконини беради. Дифференциал ёндашувни амалга ошириш ўсма келиб чиқишли механик сарикликда патогенетик жиҳатдан асосланган, кам инвазив ва клиник жиҳатдан самарали билиар декомпрессия усуллари ишлаб чиқиш учун замин яратади.

Диссертациянинг **иккинчи боби "Тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланган. Тадқиқотга 2019-2025 йиллар давомида РИОваРИАТМ Самарқанд филиалида каминвазив билиар дренажлаш амалиёти ўтказилган беморлар киритилган. Илмий тадқиқотга жами 149 нафар бемор жалб қилинган бўлиб, уларнинг 133 тасида миниинвазив дренажлаш ва 16 тасида ички билиодигестив шунтлаш билан паллиатив жарроҳлик амалиёти бажарилган.

Беморларнинг 71 нафари эркак, 78 нафари аёл; ўртача ёш - $67,2 \pm 11$ ёш (32 ёшдан 92 ёшгача). 60 ёшдан ошган беморлар кўпчилики ташкил этди - 116 бемор ёки 77,9%.

Комплекс текширув натижаларига кўра, механик сариклик сабаби куйидагича аниқланди: 71 беморда ошқозон ости беши бошчаси ўсмаси, 23 беморда катта дуоденал сўргич ўсмаси, 13 беморда умумий ўт йўли ўсмаси, 16 беморда умумий жигар йўли ўсмаси, 19 беморда ўт пуфаги ўсмаси, 7 беморда

эса ошқозон саратони билан бирга гепатодуоденал боғлам лимфа тугунларининг метастатик шикастланиши ва ўт йўли компрессияси кузатилди.

Панкреатобилиар соҳадаги ўсмаларнинг жойлашуви 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Гастропанкреатобилиар соҳада ўсмаларнинг жойлашуви

Блок даражаси	Ўсма жойлашуви	Беморлар сони
Дистал жойлашув 71,9%	Ошқозон ости беши бошчаси	71
	Фатер сўрғичи	23
	Умумий ўт йўлининг дистал қисми тоқа	13
Проксимал жойлашув 28,1%	Умумий жигар йўли	16
	Ўт пуфаги	19
	Жигар дарвозаси лимфа тугунлари метастазлари	7

Жигардан ташқари ўт йўлларининг "дистал ўсма блоки" 71,9% ҳолатда, "проксимал блок" эса 28,1% ҳолатда тасдиқланган.

Клиник-инструментал маълумотларга кўра 4 нафар беморда касалликнинг I босқичи, 13 нафарида II босқичи, 23 нафарида III босқичи ва беморларнинг аксариятида онкологик жараённинг IV босқичи аниқланган - 106 нафар бемор (74,7%).

ГПБЗ ўсмасининг морфологик тасдиқи 149 беморнинг 109 тасида (73,2%) эришилди. Барча беморларда турли даражада дифференциацияланган аденокарцинома аниқланди.

Беморларнинг кўп қисмида (54,8%) сариклик даври 10 кундан ортиқ давом этган, билирубинемия даражаси эса 54,4% беморларда 170 мкмол/л дан юқори бўлган.

Шифохонага ётқизилган пайтда билирубинемиянинг ўртача даражаси $202,4 \pm 111,2$ мкмол/л (28-998 мкмол/л) ни ташкил этган.

Касалхонага ётқизилган пайтда 149 беморнинг 66 нафарида тана вазнининг пасайиши кузатилган, ўртача вазн йўқотиш $9,3 \pm 7,2$ кг бўлган.

Жигар етишмовчилиги (ЖИ) баҳоланиши механик сарикликда жигар етишмовчилигининг модификацияланган балл тизими асосида амалга оширилди.

Сариклик табиати, ўсманинг аъзолардаги жойлашуви, ўт йўллари окклюзияси даражасининг ташхиси касалхонага ётқизилгандан сўнг 1-4 кун ичида шошилиш тарзда ўтказилди.

Ультратовуш текшируви клиникада бўлишнинг 1-3 кунда ўтказилди. Ультратовуш текширувининг мақсади ўсманинг жойлашуви ва ўлчамини, ўт йўллари тизими обструкцияси даражасини, билиар гипертензия ва асцитнинг мавжудлиги ҳамда даражасини, шунингдек, узоқ ва минтақавий метастазларни аниқлашдан иборат эди. Бундан ташқари, панкреатобилиар соҳада жойлашган йирик қон томир тузилмаларига ўсма тарқалишини аниқлаш учун доплер текшируви ва қон оқимини рангли хариталаш (n=13) ҳам ўтказилди (1-расм, 2-расм).




1-расм. УТТ. Жигарнинг метастатик зарарланиши



2-расм. Допплерография билан ультратовуш текшируви. Дарвоза венасига тарқалган ошқозон ости беши бошчаси ўсмаси

Компьютер томография, шу жумладан мультиспирал компьютер томография ўсманинг жойлашуви, маҳаллий тарқалиши ва узок метастазларни аниқлаш мақсадида 121 беморда клиникада бўлишининг 2-10 кунларида ўтказилди.

КТ ёрдамида ГПДСда ўчоқли ҳосилалар мавжудлиги, ўт йўллари тизимининг кенгайиш даражаси ва обструкция даражаси, шунингдек, қорин бўшлиғида узок ва лимфорегионал метастазлар, эркин суюқлик мавжудлиги аниқланди. Контраст моддаси юборилгандан сўнг КТ қон томир тузилмаларига (дарвоза ва пастки кавак веналар, юқори тутқич артерияси ва венаси, қорин пояси) ўсма тарқалишини аниқлади (3-расм).



3-расм. Компьютер томографияси. Ўт пуфаги ўсмаси, жигар тўқимасига кенг тарқалган ҳолда



4-расм. ЭРХГ. Умумий ўт йўли ўсмаси + холедохолитиаз


Эндоскопик ретроград холангиография 110 нафар беморда ўтказилди, аммо 23 нафар беморда ўт йўлларининг канюляцияси ва контрастланишига эришиб бўлмади. Муваффақиятли эндоскопик холангиография даражаси 82.7% ни ташкил этди (133 бемордан 110 таси). Холангиография сарикликнинг обтурацион хусусиятини тасдиқлаш, ўсма торайишининг жойлашуви ва узунлигини аниқлаш имконини берди. Шунингдек, холангиография 11 нафар беморда ўт йўлида тошлар мавжудлигини ҳам аниқлади (4-расм).

Билиодуоденал протезлаш учун Olympus компаниясининг ён тешиклари ва фиксатор қанотлари бўлган стандарт рентген контрастли пластик стентларидан (Amsterdam тури) фойдаланилди.


Стентларнинг диаметри деярли барча ҳолатларда 3-3.3 мм (10-11 Фр) ни ташкил этди. Назобилиар дренажлаш учун диаметри 2-3 мм (7-10 Фр) бўлган рентгеноконтраст пластик найчалар қўлланилди.

Бундан ташқари, диаметри 10 мм бўлган MiTech фирмасининг «Nanarostent» ва Boston Scientific фирмасининг «Wallstent» қопламали металл ўз-ўзидан кенгаювчи стентлари ҳам ишлатилди.

Стентнинг эндоскопик ўрнатилиши диагностик босқич (дуоденоскопия ва холангиопанкреатикография) ва папиллосфинктеротомиядан сўнг дарҳол ёки ўсма тўсиғи шароитида ўт йўллари контрастлашдан кейин холангит ва жигар етишмовчилиги ривожланиши эҳтимоли юқори бўлгани сабабли ЭПСТсиз амалга оширилди. ЭПСТ одатий канюляция усули билан бажаришга ҳаракат қилинди ва фақат бу имконсиз бўлганда бошқа ноканюляцион аралашув усулларига ўтилди (5, 6, 7, 8-расмлар).



5-расм. ЭПСТ.
Ўтказгич
ёрдамида
канюляция



6-расм. "Double-
layer" стенти
ёрдамида
ЭПСТдан сўнг
стентлаш



7-расм. Баллон
дилатацияси



8-расм.
Дилатациядан
кейин стентлаш

Антеград тери-жигар орқали рентгенологик диагностика усулларида пункцион игна орқали дренажлаш зарур бўлганда, ўт йўлига эгилувчан гидрофил ўтказгич киритилди. У орқали турли диаметрдаги 9-10Fr гача бўлган пластик бужлар ёрдамида кенгайтириш амалга оширилди. Сўнггра, ўтказгич каттиқроқ ўтказгичга алмаштирилди ва у орқали терига маҳкамланадиган ташқи дренаж ўтказилди. Зарур ҳолларда, иккинчи босқичда ўт йўллари санацияси ва механик сариклик бартараф этилгандан бир неча кун ўтгач, ички дренаж ўрнатилди. Бунинг учун барча ҳолатларда қопланган ёки қопланмаган ўз-ўзидан кенгайдиган металл стентлардан фойдаланилди.

Диссертациянинг учинчи боби **"Механик сариклик билан асоратланган панкреатобилиар соҳа ўсмалари бўлган беморларни даволашнинг бевосита натижалари"**. Ўт йўллариининг эндоскопик декомпрессияси 133 бемордан 110 тасида (83%) муваффақиятли амалга оширилди.

Эндоскопик папиллосфинктеротомия 102 нафар беморда бажарилди. Таъкидлаш жоизки, 71,6% ҳолларда папиллосфинктеротомия одатий канюляция усули билан амалга оширилди. Атипик папиллосфинктеротомия фақат ностандарт анатомик вазиятда ва ЭПСТнинг канюляцион усулини қўллаш имкони бўлмаганда бажарилди.

Билиар эндопротезлаш 103 нафар беморда ўтказилди (2-жадвал), шу жумладан ушбу гуруҳдаги 12 нафар беморда йирингли холангит мавжудлиги сабабли дастлабки назобилиар дренажлаш амалга оширилди.

Меъда ости беи бошчаси, катта дуоденал сўргич, умумий ўт йўли ўсмаларини ўз ичига олган дистал блокда билиар трактни муваффақиятли

эндоскопик дренажлаш частотаси 72,4 фоизни, проксимал блокда эса ўсма ўт пуфаги, умумий жигар йўли, гепатодуоденал боғлам лимфа тугунларининг метастатик шикастланиши билан жойлашган ҳолатларда эндоскопик дренажлаш частотаси 76,8 фоизни ташкил этди.

2-жадвал

Ўт йўллари ўсма блоки даражасига кўра самарали эндоскопик дренажлаш частотаси

Даража Стриктуралар	Ўсманинг жойлашуви	Самарали дренажлаш
Проксимал блок	Умумий жигар йўли ўсмаси Ўт пуфаги ўсмаси Гепатодуоденал боғлам лимфа тугунларининг метастатик шикастланиши	76,8%
Дистал блок	Меъда ости беши бошчаси ўсмаси Фатер сўрғичи ўсмаси Холедохнинг дистал қисми ўсмаси	72,4%

Ўт йўллари ретроград эндоскопик дренажлаш уриниши механик сариқлик билан асоратланган ГПДС ўсмалари бўлган 110 беморнинг 23 тасида муваффақиятсиз бўлди, бу 20,9 фоизни ташкил этди.

Эндоскопик аралашувлардан кейинги асоратлар 110 беморнинг 17 тасида (15,5%) кузатилди. Операциядан кейинги ЭПСТ соҳасидан енгил даражадаги қон кетиши 2 та ҳолатда, енгил даражадаги ўткир панкреатит 4 та ҳолатда, ўткир холецистит 3 та ҳолатда, ретродуоденал перфорация 1 та ҳолатда, ўт йўллари ретроград дренажланиши натижасида ўткир холангит 5 та ҳолатда, стентнинг ўт йўлига 3 ва 5-кунларда миграцияси 1 та ҳолатда, стентнинг ичакка дислокацияси 1 та ҳолатда кузатилди.

Эндоскопик аралашувлардан сўнг 110 бемордан 13 нафари (11,8%) вафот этди.

Шуни таъкидлаш лозимки, 13 бемордан 9 тасида ўлим билиар трактни дренажлашга эришилгандан сўнг, асосий касаллик ва саратон кахексиясининг зўрайиши фонида юз берди.

22 нафар беморда икки босқичли тери-жигар орқали ички антеград билиар йўл дренажлаш амалиёти ўтказилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўт йўллари ўсма блоки даражасига кўра антеград дренажлаш частотаси

Стриктур даражаси	Ўсманинг жойлашуви	Самарадорлик даражаси
Проксимал блок	Умумий жигар йўли ўсмаси - 10 (45,4%) Ўт пуфаги ўсмаси - 4 (18,3%) Гепатодуоденал бойлам лимфа тугунларининг метастатик шикастланиши - 1 (4,5%)	94,3%
Дистал блок	Ошқозон ости беши бошчаси ўсмаси - 6 (27,3%) Холедохнинг дистал қисми ўсмаси - 1 (4,5%)	100%

Икки беморда асоратлар қайд этилди - бир ҳолатда ўт суюқлигининг қорин бўшлиғига оқиши кузатилиб, лапаротомия ва ўт йўллари ташқи дренажлаш талаб этилди, бошқа ҳолатда эса ўт йўллари самарали дренажлаш имконсизлиги туфайли холангит ривожланиб, сепсис ва ўлимга

олиб келди. Иккала ҳолат ҳам иккала бўлак йўллариининг зарарланиши билан Клятскин ўсмаси ташхиси қўйилган беморларда кузатилди.

Ўт йўллариини ички дренажлаш учун билиодигестив анастомозлар қўйиш орқали жарроҳлик амалиёти бир босқичли ва икки босқичли даволаш усулида 17 беморда ўтказилди. Шундан 5 ҳолатда сариқликни миниинвазив бартараф этишдан сўнг (шу жумладан 3 та ҳолатда эндоскопик дренажлашдан кейин) амалга оширилди. Икки беморда бир босқичли паллиатив аралашувлар билирубин даражаси 100-120 мкмол/л дан паст бўлганда ва механик сариқлик 10 кундан ортиқ давом этмаганда бажарилди. Қолган 9 беморда эса дастлабки миниинвазив дренажлашни амалга ошириш имконсизлиги сабабли, жарроҳлик амалиёти механик сариқлик авжига чиққан пайтда ўтказилди.

Операциядан кейинги даврда 17 бемордан 5 тасида (29,4%) асоратлар кузатилди. Билиодигестив анастомоз етишмовчилиги ва жигар ости абсцесси шаклланиши кўринишидаги 2 та асорат ҳолати ультратовуш назорати остида пункция ва йирингни дренажлаш орқали даволанди. Бир ҳолатда тўлиқ эвентрация юз бериши натижасида, қорин олд деворини қайта тикиш ва эвентрацияни бартараф этиш учун такрорий операция ўтказилди. Операциядан кейинги даврда 17 бемордан 3 таси (17,6%) вафот этди.

Шундай қилиб, билиодигестив анастомозлар қўйиш билан паллиатив жарроҳлик даволаш миниинвазив дренажлашга қараганда кўпроқ жарроҳлик агрессияси билан тавсифланади. Жарроҳлик даволашда операциядан кейинги асоратлар ва ўлим даражаси миниинвазив даволаш ҳамда антеград ва ретроград кириш усулларига қараганда сезиларли даражада юқори (4-жадвал).

4-жадвал

Механик сариқлик билан асоратланган гепатопанкреатодуоденал зона ўсмаларининг паллиатив даволаш натижалари

	Жарроҳлик билиодигестив анастомозлар (n=17)	Ретроград кириш орқали дренажлаш (n=110)	Антеград кириш орқали дренажлаш (n=22)
Эрта асоратлар	5/17 (29,4%)	17/110 (15,5%)	2 (9%)
Касалхона ўлим кўрсаткичи	3/17 (17,6%)	13/110 (11,8%),	1 (4,5%)

Шуни ҳисобга олиш керакки, миниинвазив технологиялар (ретроград ва антеград кириш йўллари билан) анъанавий паллиатив операциялар ўтказилган беморлар гуруҳига нисбатан оғирроқ беморлар гуруҳида қўлланилган. Ушбу кичик гуруҳдаги кўплаб беморларда очиқ жарроҳлик амалиёти хавфли қадам бўлиб, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим даражаси юқори бўлиши мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **"Механик сариқлик билан асоратланган гепатопанкреатодуоденал соҳа ўсмалари бўлган беморларни даволашнинг узок муддатли натижалари"** келтирилган.

Эндопротезнинг окклюзияси ва механик сариқликнинг қайталаниши сабабли 66 нафар бемордан 16 нафари (24,2%), ўн икки бармоқли ичак обструкцияси фонида яна 2 нафар бемор, жами 66 нафардан 14 нафари (21,2%) қайта касалхонага ётқизилган.

Ўсма келиб чиқишли механик сариқликни даволашнинг якуний усули сифатида билиодуоденал протезлаш қўлланилган 66 нафар беморнинг 11

нафарида (16,6%) турли даражадаги дуоденал стеноз 4-15 ой (ўртача 8,2 ой) давомида ривожланган.

